

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

547 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг тузилмасини оптималлаштириш ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ–2463-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 ноябрь,
ПФ–4858-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги
ПФ–4858-сонли Фармонига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 26 июлдаги ПҚ–136-сонли қарори:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

а) 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига «Ўздабиркорэкспорт» АЖ, «Ўзсаноатэкспорт» АЖ, «Ўрта Осие Транс» АЖ, «Ўзбекэкспертиза» АЖ, «Ўзэкспомарказ МКК» АЖ акцияларининг давлат пакетлари бўйича акциядорлик вазифалари юклатилсин.»

б) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимига қирувчи ташкилотлар рўйхати

1. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари.

3. «Ўзбекэкспертиза» АЖ

4. «Ўзэкспомарказ МКК» АЖ

5. «Халқаро Ҳамкорли Маркази» АЖ

6. «Ҳамкор» — «Деловой партнер» газеталари тахририятлари

7. «Ўзинфоинвест» агентлиги

8. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси

9. «Ўздабиркорэкспорт» АЖ

10. «Ўзсаноатэкспорт» АЖ

11. «Ўрта Осие Транс» АЖ»

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 19 июлдаги ПҚ-1581-сонли қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги ««Ўзинтеримпекс» ДАТСК, «Ўзмарказимпекс» ДАТСК, «Марказсаноатэкспорт» ДАТСК, «Ўзсаноатмашимпекс» ДАК ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниялари» сўзлари «Ўздабиркорэкспорт» АЖ ва «Ўзсаноатэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли қарори:

а) 7-банди биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларини экспорт қилиш бўйича «Ўздабиркорэкспорт» АЖ ташқи савдо ташкилотининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин»;

б) 8-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошидаги «компанияси» сўзи «АЖ» қисқартма сўзи билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатдош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли қарори 4-бандидаги «компанияларига» сўзи «ташкилотларига» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши Дас-

тури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида» 2015 йил 7 январдаги ПҚ–2282-сонли қарори:

а) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзпромшашимпэкс» ДАК» сўзлари «Ўзсаноатэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 4-иловининг:

номида «Ўзпромшашимпэкс» ДАК» сўзлари «Ўзсаноатэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳдаги «Ўзпромшашимпэкс» ДАК» сўзлари «Ўзсаноатэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги ПҚ–2298-сонли қарори билан тасдиқланган импорт ўрнини босадиган рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этилишини назарда тутадиган, ишлаб чиқариш корхоналарни маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳалар Рўйхатидаги «Ташкилотлар номи» графаси:

а) 351-позициясидаги «Ўзмарказимпэкс» сўзи «Ўзтадбиркорэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 355-позициясидаги «Ўзмарказимпэкс» ДАТСК» сўзлари «Ўзтадбиркорэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ–2422-сонли қарори 3-банди бешинчи хатбошидаги «компаниялар» сўзи «ташкилотлар» сўзи билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги
ПФ–4858-сонли фармонида
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 июлдаги ПФ–3631-сонли Фармонининг 2 ва 3-бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2012 йил 30 декабрдаги ПФ–4494-сонли Фармони иловасининг 4-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2009 йил 10 февралдаги ПҚ–1055-сонли қарорининг 1-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси

Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2010 йил 20 майдаги ПҚ–1340-сонли қарори иловасининг 1-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқарув органлари ҳайъати фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2010 йил 21 майдаги ПҚ–1342-сонли қарори иловасининг 1-банди.